

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган



ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 161 (11.472)

Баҳоси эркин нарҳда




«Мустақиллик биз учун —  
ўзлигимизни англаш, юрт  
тинчлиги ва барқарорлигининг,  
инсон манфаати, эркинлиги ва  
фаровонлигининг, биз кўзлаган  
демократик жамият барпо  
этишинг гаровидир»

Ўзбекистон истиқололиғи қўлга  
киритгандан кейин мустақил  
давлатга хос барча мақомларга  
эга бўлди. Ой-юлдузли  
байропимиз, Ҳумо рамзи акс  
этган давлат гербимиз, миллий  
валютамиз, мадҳиямиз,  
Конституциямиз, оламга кўз-кўз  
килишга арзигуллик пойтахтимиз  
бор. Яна бир ютугимиз —  
ўзликинанг англашдек олий  
қадриятимиз кўнгиллардан жой  
олди. Мустақиллигимиз  
меъмори Президент  
Ислом Каримов азалий  
қадриятларимиз халқ мулкига  
айланиши учун ҳормай-толмай  
фаолият кўрсатмоқда.

**ПОЙТАХТНИНГ  
ТОШКЕНТ**  
БИР КУНИ  
2200 2006

Шаҳрим — фахрим



## ВАТАН ВА МИЛЛАТ ТИМСОЛИ



Зотан, ўзлигини англамаган халқ чин хурriятнинг қадрия етмайди. Буюк давлат куришга бел боғлаган мамлакат, аввало, буюк ўтмишдан озиқланниши керак. Табиатнинг конуни шундай: чинорнинг баражук гуркираши улун томирлар теран бўлиши лозим.

Бир қарашда, миллий қадрият тушучини инсон ажреквати, онгу тафаккури билан чамбарчас боғлик бўлганлиги учун аниқ моддий кўринишни ифодаланмайди, деб ўйлаймиз. Аслида, истиқололимиз рамзига айланган ҳар бир инсоотда ўз қадриятимизи мухассам. Тошкентимизнинг кўркам хиёбонларида қад ростлаган улуғвор ҳайкалар, миллатимиз ҳудратини ако этириувчи binolardagi битта фишт ҳам буюк ўтмишимиши, бугунги саодатимиши, эртанги келажагимизни намойиш этиб турибди.

Ўзлигимизни англаш учун миллатнинг гурур ва ифтихор рамзига айланган асл қадриятларидан бири Амир Темур дахосидир. Ўз даврида Турон мулкининг салтанати соҳибига айланган бу зот қудрати давлат тушиб, миллатни бирлаштириш борасидан тарихий миссияни адо этган.

Бугунги сұхбатимизда Амир Темур яратган хазинага, буюк меросга турған қарашларнинг нигоя орқали баҳо бермоқчимиз. Шундай қўлсак, тарихининг муҳим мезони — хоҳимлик, адолат дастуримиз бўлиб колади.

Яқинда бир дўстим таклиф билан келди. Эртага юртимизга хориждан бир ватандoshimiz келар экан. Шу мөхонни бирга кутуб олайлик, ҳар холда журналист ҳамроҳлик кўлса сұхбатимиз яхши қовушади, деган фик-

рга борибди. Дўстим билан аэропортга чиқдик. Бизга ватандош бўлган мөхон Ўзбекистонга илк бор келиши экан. Машинага ўтиргач хорижлик мөхон шундай деди: «Бирордарлар, менинг тўғри Амир Темур хиёбонига олиб борсанларинг, қолган гапни ўша ерда гаплашаверамиш». «Аввал мөхонхонага жойлашиб, чой-пой ичсан», деган тақлифимиз ради этилди. «Ахир мен бу кунни неча йил кутдим. Амир Темур бобомизни зиёрат қилмасдан ҳеч кеёқа бормайман».

Мөхоннинг гапи конун. Кўп ўтмасдан пойтахтимиз марказида жойлашган Амир Темур хиёбонига, шу масандаги Соҳибқирон ҳайкални олдига этиб келдик.

### Барҳаёт сиймо

Амир Темур хиёбонидамиз. Пишиқириб кишинаётган отинг кўзлари кия тушиб турган офтоб нурида чўғдай ёнарди. Санъат асарининг табиати ходисасига бунчалар уйғунлашиб кетиши кишини ҳайратта солади. От устида атрофга, балки бу ёргу жаҳонга назар ташлаб турган соҳибқирон пойда мөхоннинг илк айтган сўзи, «Етказиганинг шукр», деган калом бўлди. Гўё унинг бошқа армони йўқдай. Ажабо, деярли ҳар куни шу ҳайкал ёнидан ўтиб қайтамиш. Баъзан кундалик ташвишлар билан бўлиб учичалик эътибор ҳам қўлмаймиз. Буни қарангли, ер юзининг олис-олиси пучмокларидан яшадиган инсонлар шу хиёбонга талпиниб нафас олишаркан. Ҳозир-

гидек вужудни энтиклирувчи мулокотга етганлар бор, етмаганлар бор.

— Эҳ, бугун қандай саодатга эришдим, — деда сўз бошлиди мөхон юз-кўзлари завқка тўлиб. — Амир Темурни дунёда буюк ҳалоскор сифатида эъзозлашади. XV асрдаёқ унинг шавнига Европада ҳайкал ўрнатилган. Ҳали собиқ иттифоқда соҳибқиронни Темурланг деб, зулм ва истиличлик пешвошибига айлантиришганида Франция, Буюк Британия, Италия, Испания, Германия, Хиндистон, Туркия, Покистон, Эрон, Миср каби мамлакатларда «Темур тузуклари» олимлар томонидан тадқик этилган.

Биз ҳам мөхоннинг ўз билғанларимизни гапириб бердик. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг давлатимизнинг биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Амир Темур қадрияти юксак погонага кўтарилигани, 1996 йилда соҳибқироннинг 660 йиллик тантаналари нишонланганни боис буюк бобомиз хаяда анча-мунна маълумотларни ўзимиз учун кафш этанимизни айтдик.

— Ўзбекистон, Тошкент номлари бугунги кунда бутун дунёда янгравомда, — деда гурунгина давом этирди мөхон. — Эштишишмча, юртимиз пойтахтининг 2200 йиллиги байрамига кизигин тайёргарлик ишлари бошланаб кетибди. Шундай кўхли ва гўзал шаҳар менини нийоятда мафтун этди.

(Давоми 2-бетда).

## ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар  
ҳокимигининг Ахборот  
хизмати ва ўз мухбириларни  
хабарларидан

✓ **БУГУН** Тошкент майший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг Ахборот-ресурс марказида юртимиз Истиклолигин 18 йиллигига багишлаб уйтирилган мавзаний-мавзифий тадбир ва концерт дастuri «Ўзбекистон — гўзал дийёрги» деб номланди.

✓ **АЗИМ** пойтахтимизнинг 2200 йиллигига багишлаб Миробод туманидаги Faufur Fулом номли маданият уйидага «Пойтахтим — фахрим менинг» мавзууда бадиий

хаваскорлик жамоалари тўғараклар, курслар раҳбарлари, қатнашчилари, ёшлар иштироқида маънавий-маърифий тадбир ва концерт дастuri ўтказилди.

✓ **ШАҲРИМIZДАГИ** Шароф Рашидов номли мажалада 8-16 ёшли ўсмирлар ўртасида футбол, стол тенниси, во-лейбол бўйича туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан «Тошкент — спорт шаҳри» широр доирасида ўштирилган мусобақалар азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига багишланчи.

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН  
ОЛИНГАН СҮНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисини шу йил 28 август куни Тошкент шаҳрида чакириш тўғрисида қарор кабул қилди.

• Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари асосида ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида Наманганда ўтказилган «Омоналар ва кредитлар» мавзусидаги кўргазмали семинар вилоят банкларининг кўтилашни тажрибаларини оммалаштиришга бағишиланди.

• Бағдод туманида Мустақиллигимизнинг 18 йиллигини муносаби кутиб олишига кизигин тайёргарлик кўрилмоқда. Айни пайтда тумандаги Чўринди, Чувалачи, Муруват, Ултарма қишлоқларида янги гузарлар фойдаланишга топширилди, туман қишлоқларида 8,1 километрлик ичимлик суви ҳамда 8,4 километрлик газ кувурлари тортилди. Шунингдек, ҳозирда 10 гектарга яқин майдонни эгаллаган дехон бозорининг қурилиши якунланмоқда.

• Дангарга туманидаги Нурафшон қишлоғида «Тожиҳон-нур» хусусий корхонаси иш бошлади. Бу ерда пахта толасидан сифатли матолар тайёрланиб, трикотаж махсулотлари ишлаб чиқариш йўлга кўйилди. Ҳозирда корхонада импорт ўрнини босувчи арzon ва сифатли эркаклар шимлари ишлаб чиқарилмоқда. Яқин кунларда яна беш турдаги янги махсулотлар харидорларга тұхфа этилади. Корхонада 23 нафар қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди.

• Йирик ишлаб чиқариш корхоналари ва муҳим аҳамиятга молик обьектларда содир бўладиган ёнгилларни бартараф этишга мўлжалланган кўпилик ёнгин ўчириш курилмаси ихтиро қилинди. Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси Ёнгин хавфисизлиги бошқармаси бошлиги Дилшод Пўлатов муаллифлигига яратилган «УПГ-4000» деб номланган мазкур курилма нефть ва газни қайта ишлаш корхоналаридаги 10 минга ва 20 минг кубометр ҳажмдаги нефть махсулотлари сакланадиган резервуарларда содир бўладиган ёнгилларни ўчиришга мўлжалланган.

### ЖАҲОНДА

• Эронда 30 йиллик танафусдан сўнг Вазирлар Маҳкамасининг янги таркибидан уч нафар аёл ўрин оладиган бўлди. Бу ҳақда мамлакат Президенти Маҳмуд Ахмадинажот маълум қилди. Мутахассисларининг фикрича, президент мамлакатда рўй берган кескин норозиликлардан сўнг шу йўл билан ўз ўрнини мустаҳкамламоқчи.

• Жанубий Корея ва АҚШ ҳарбийларининг ҳамкорлиқда машқлар ўтказилганда муносабати билан КХДР армияси юқори жанговар ҳолатга келтирилди.


• Хиндионтнинг Мумбай шаҳри мъмирияти А/H1N1 вируси худудда кенг тарқалаётгани боис мактабларни бир ҳафтага, кинотеатрларни эса уч кунга ёди.

• Кеча Подмосковъенинг «Макс-2009» ҳалқаро авиасалони олдидан ўтказилғанда машина саломётнинг тўқиши кетиши натижасида «Рус витязлари» учувчилар гурухининг раҳбари ўз самолётини аҳоли турар жойларидан нарига кўндириш чоғида ҳаётдан кўз юмди. Иккичи самолётнинг дала ҳовлиларга кулаши натижасида эса тўртта уй вайрон бўлди, беш киши куйиш тан жароҳатларини олди. Ҳозирда махсус комиссия томонидан текширув исплари олиб борилмоқда.

• Кеча Украинанинг Донецк вилоятида жойлашган ўз тонна пиротехника во-ситалари сақланадиган иккита омборда портлаш рўй берган ва ёнгин чиққан. Ўт ўчирувчилар олти соат давомида ёнгин билан курашиб, уни жиловлашга мувaffer-фак бўлишибди. Маълумотларга кўра, ёнгин натижасида омбор коровули жароҳатланган.

• Кеча Японияда Рихтер шкаласи бўйича 6,7 балли зилзила содир бўлди. Ушбу ер силкниши натижасида енгил цунамиининг юзага келганини кузатилди.

• Афғонистоннинг Бурхониддин Раббонийга толибон жангарилини томонидан суқиасд ўштирилди. Жангарилилар Раббоний кетаётган кортежга куроли хужум ўштиришган. Бироқ Раббоний ҳам, унинг қўриқчилари ҳам жабрланишмади. Аксинча, хужум пайтида жангарилилардан уч нафари отиб ўлдирилди.



(Давоми. Боши 1-бетда).

**Орият топталганда...**

Баъзан шунақа бўлади: кўзингиз ўрганиб қолган воқеалар буюклигини хис қилиш учун файри табиий ҳолат рўй бериши керак. Хориждан келган ватандошимизнинг биз учун оддий туолган нарсалардан хайратта тушиши чукурро ўйлаша давлат этиди. Ватан тўйуси, киндиқ қони тўкилган туроқ азизлигини бу неъматдан жудо бўлган одам ёрқинроқ хис қиласи. Тасаввурга эри бериг бир лахза ўзимизни Ватандан айри холда ўйласак, юрагимиз узилиб тушгандай бўлади.

Хоёлимизни меҳмоннинг саволи бўлди:

— Илгари бобомиз ҳайкали ўрнида нима бор эди? Эҳ-хе, бу саволга бир сўз билан жавоб бериг бўлармикан? Ёши улуг одамларнинг айтишича, хиёбонда дастлаб рус мустамлакаси Фон Кауфманнинг биости ўрнатилган. Бу ерга маҳаллий ахоли қадам кўймас, шу атрофдаги боф дарвозасига «Сартлар ва йтларнинг кириши тақиёнади» деган ёзув битилган. Ҳокимият шўролар кўлига ўтгач, шохсуга устида Сталиннинг ҳайкали пайдо бўлган. Сиёсат ўзгаргач, диктатор ўрнига ўйқисиллар доҳийси Карл Маркснинг калла қисми ҳайкали қўндирилган. Учала ҳолатда ҳам ўзбек миллатининг фурури топталди, ўзга юртнинг хуқонронаи эъзоз топди.

Лекин бундай адолатсизлик узок давом этиши мумкин эмасди. Жаҳонда халоскор номи билан олии ўқапарда довруғ қозонган Амир Темур ўз юритида камитилини хеч бир мантиқа тўғри келмасди. Жафоқаш халкнинг баҳтига мард ва ботир фарзанд кураш майдонига кириб келди. Эрк ва озодлик йўлида асосий куч-кудрат манбаи азалий қадриялар тантанаси бўлди.

Аввалларӣ-халқ Амир Темур даҳосига нисбатан ётиқодини ичиди сақлаб келган бўлса, асрий орзулар рўёби туфайли бу тутигу бор бўйи билан намоён бўлди. Буюк бобомизнинг тарих олдида гиҳматларини «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» китобида баён этган академик Иброрхим Мўміновга ўтказилган тазик-азоблар ҳали илим ахлиниң ҳаёлидан кўтарилимаганди. Ўша қатагон кунларни бошдан кечиринг ўзбек зиёдилари Президент Ислом Каримов жасоратини мўъжиза сифатига қабул қилишиб. Шуларни хорижлик меҳмонга тушунтиридик.

Хайкалтарош Илҳом Жабборов сўзи:


— Мен учун бобомиз ҳайкалларини яратиш жуда катта мактаб бўлди. Агар Юртбошимизнинг ташаббускорлиги, жонкуярлиги бўлмаганида, кўлимииздан шу иш келгандга олдимиздаги вазифани бундай чукур маъноли, ҳаётӣ ва ёрқин тарзда ҳал этолмасдик. Гарчи бу ҳайкаллар муалифи сифатига менинг номин ёзилса-да, ўчмас обидаларнинг бор мейморми мухтаран Президентимизнинг ўзларидир. Кечагидай ёдимда: Тошкентда барпо этилажа Амир Темур ҳайкали эскизларини кўздан кечириб, мендан: «От минганимсан! — деб сўрадилар. «Ха, минганим», дедим. «Нега бўлмаса, тизгинни ўнг кўлга тутқаздин?» деганинарида, шу жиҳатига этиб оркаганиндан қизариб кетдим. Сўнг жиловни Соҳибқироннинг чап кўлига тутқазиш, унинг сиймосини ўнг кўлни кўтариб, жаҳон ҳалкларига омонлик тилётгандек қилиб тасвирлаш гоясини айтдилар. Дастлаб бобомиз минган от Тошкент курантига қараган эди. Юртбошимиз маслаҳатлари билан «Сайлгоҳ» кўчаси томон бурилди. Кейин билсам, Соҳибқирон Мустакиллик майдони сари кетаётгандек бўлар экан. Бу размий маънога эга, албатта. Президентимиз ҳайкал композициясини бошдан-оёқ тўлиқ изоҳлаб бердилар: «Амир Темур кўлида от жиловини эмас, балки дунёнинг ярмини тутиб турганлиги акс этсин». Мен ана шу шикоатни ифодалайман, деб эскизни кўрсатганимда Йўлбошимиз: «Дуруст, лекин жилов бунча таранг турмасин, озрок бўшаштиргин, токи зарур бўлганда яна тортишига имкон бўлсин», дедилар. Айниқса, отнинг оёқларига алоҳида этиб берилди. Амир Темур мингант тулуп шундай яратилсинки, унинг оёқлари туроқча текканида шиддат-шилоат ёрқин акс этсин.

Баъзан ўйлаб коламан: кечака кундуз ёл-юрт қайгуси билан банд одам, дунё миқёсида кенг танилган давлат арабби санъатнинг хос бир соҳаси — ҳайкалтарошлика шу қадар зукко бўлганлигига сабаб нима экан? Президентимизнинг ўтқир нигоҳи сиз ва биз илгамаган нозик нуктатларни аниқ кўради. Она Ватан учун масъуллик, юрга фидойлилк туфайли шундай бўлса керак, деб ўйлайман.

— Хўш, темурийлар тарихини акс этирган музейга қачон борамиз? — меҳмоннинг бу саволига жавоби хиёбонга тутишга кетган Амир Темур шоҳкўчасидаги мовий гумбазли бинога ишора қилдик.

**Узукдаги ёқут кўз**

Музей яратилиш тарихининг ўзи бир достон. 1993 йилда, Ўзбекистон мустакилларининг иккى йиллиги байрами кунлари Амир Темур ҳайкал очилишида халк ва миллат тарихининг кўзгуси сифатига шу ерда янги музей барпо бўлиши айтилганди. Жуда қисқа муддат

**ШАҲРИМ – ФАҲРИМ****ВАТАН ВА  
МИЛЛАТ ТИМСОЛИ**

мобайнида миллий мөъморчилигимизнинг юксак на-  
муналарини ўзида акс этирган музей қад ростлади.

1996 йил 18 октябрда ана шу муҳташам кошона эшиклиарни очиб, ўз бағрига муҳлисларини чорлади. Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Юртбошимизнинг кўйидаги таърифи ҳамон кулолларимиз остида жаранглаб турибди: «Амир Темур хиёбони гўзал бир узук бўлса, бу музей шу ўзукнинг ёқут кўзидир».

Мана, ўн учинчи йилдирки, ўша ёқут кўзли ўзук ўзининг камалак мисол жилоларини офтоб нурида ажиб товлантиримоқда. Амир Темур жаҳон тарихида Европа ва Осиё киталарни ўтасидаги илк алоқанин ўйга кўйиб, беҳаловат ҳаётӣ, суронли йўли билан мангуликка даҳлор бўлсао шу пайтага битта музей куришга ҳам руҳсат бўлмаган. Истиқолонинг беш йиллиги нишонланган санади эса шундай музей яратилиди.

Эндилика Тошкентнинг ён диккатта сазовор зиёратгоҳларидан бирига айланган ушбу бунёдкорлик иншооти жозибадор ва кўркам маскан ҳисобланади. Мовий гумбазлару шаффоғ фавворолар, маҳбобатли заллардан мармар зиналаргача халкнинг буюк ўтмишини ифодалаб турибди. Музейнинг кўш табакалари қопкалари очилганда, гўё замонлар эшиги ўзи бағрига чорлагандай бўлди.

**Ўтмиш ва келажак  
дийдорлашуви**

Иморат тархи кўриниши айланана шаклида. Бинонинг салобати мовий гумбазига назар ташлагандага кўз ўнгимизда беихтиёр қадимги иморатларимизнамоён бўлди. Музей ўрта асрлар мөъморчилиги қонун-коидаларни анъаналаридан фойдаланилган ҳолда курилса-да, замонамиз руҳига мос ҳолда яратилиган. Иморатнинг бутун айланаси бўйлаб жойлашган ярим очик айвонини салобати устунлар безаб туради. Ташки девор юзаси айланана бўйлаб сиркор сопол медальонлар билан безатилган. Бино маҳсус темир-бетондан яхлит қилиб ишланган супа устига жойлаштирилган (бу усул ҳам темурийлар даври мөъморчилигидаги анъанага мос).

Бино курилишида Тошкент шаҳар ҳоқимлиги, «Турон» фирмаси, Чкалов номли авиация ишлаб чиқарыш бирлашмаси (иморат гумбаз томини ёпиш, фаввораларнинг косасини тайёрлаш ишлари) қатнашган. «Миконд» заводи ўттиздан ортиқ ката-кичик ҳажмдаги билур қандилларни ва ёртитгичларни ишлаб берган. Улардан энг улкани 500 та ёртитгичли ишлаб берган. Улардан энг улкани 500 та ўттиздан «Зумрад» қандили бўлиб, оғирлиги 2 тонна, баландлиги 8 метр, диаметри 6 метрни ташкил этади. «Усто» бирлашмаси барча бадий ишларни, яъни гумбазнинг ички томонига рангли жилолар беришда, салобатли ўйма нақши эшиклиарни ишлашда, марказий паннога миниатюрани ўғуналаштиришда, айвон устунларини ва кинозални нақшлар билан безашда катнашган, Кулолчилик заводи бино ташки деворларидағи бадий паннонларни тайёрлаш ишларини бахшарган.

Мен шу музей курилишида иштирок этганим билан фахрланаман, — деди бинокор Муҳиддин Баратов. — Бу иншоотнинг ҳар бир гиштини кўйганимизда тарих учун қанчалик керакли иш килаётганимизни юрақдан хис килдик. Шундай оламшумал вазифани бажариш бизга наисиб этди. Президентимизнинг шикоати, узокни кўзлаб иш юритилиши туфайли келгуси авлодлар олдида ҳам оюзимиз ёргу бўлди.

Бино уч қаватли бўлиб, умумий баландлиги 31 метр, ташки диаметри 70 метр, ички диаметри 50 метр. Музей экспозициясини осори-атиқлар билан бойитишда Президентимизнинг махсус қарорлари ва кўрсатмалари асосида мамлакатимиз (Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон каби) шаҳарларидаги йирик музейлардан темурийлар тарихига оид ноёб экспонатлар олиб келинди. Экспозициядан археология, этнография, нумизматика ёдгорликлари, кўллэзмалар, тасвирий санъат намуналари жой олган.

Мехмон билан музей ичкарисига кирдик. Кенг ва ёргу залларда экспонатларни яйраб томоша килиш мумкин. «Туғилиш», «Юксалиш» ва «Фарҳанлиш» деб аталган экспозициялар Ўзбекистоннинг бой ўтмиши, бугунги жамоли ва нурли қелажигани эки айтиради. Бамисолиси асрлардан асрларга қадам ташлардик. Амир Темур авлодлари бунёд этган Агра шаҳридан Тоҷмаҳал ма-



кети олдида меҳмон кўпроқ туриб қолди. Ер юзи мўъжизаларидан бири саналмиш бу бекиёс обидининг аслини меҳмон кўрган, Ҳиндистонда уни мўгуллар курган деб айтишганини ёдга олди. «Ахир бу дурдоннинг ўзбекка, Ўзбекистонга даҳлорлигини баралла айтиш керак», деди.

Навбатдаги кўргазмани меҳмон ажиб бир хайрат билан кузатди. Рангли тасвирларда Ўзбекистон Президентининг Испанияга ташрифи акс этирилган. Азалдан Амир Темур юрти билан ҳамкорлик алоқаларини боғлаган бу қадимий давлатда Ислом Каримовга миллий либосда сафортарот ҳарбий оркестр энг олий мартабали давлат раҳбарларига кўрсатиладиган удумларда пешваз чиқанди. «Нозиктабъ испанлар шуччалик катта эҳтиром кўрсатишганини билмаган эканман», деди меҳмон ҳаёжон ила кувониб.

Биз бундай муносабат табийи эканлигини айтидик. Негаки, Амир Темур замонида бошланган ҳамкорлик ва дўстлик ришталари орадан 600 йил ўтгач, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан янги гоногаларга олиб чиқиди. 2003 йил январда Ислом Каримовнинг Испанияга сафари қадимдан бошланган дўстлик ришталарини тиклади.

**Париж ҳайрати**

Гап Европа билан алоқалар ҳақида кетар экан, ватандошимизга Амир Темурнинг 660 йиллиги ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида зўр тантана билан ўтказилганини ҳам галириб бердик. У ерда ташкил этилган «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва монументларни гуллаб-яшнаши» ҳафталигига дунёнинг мана ман деган арబоблари ҳайратта тушишганди. Парижнинг машҳур «Одеон» театрида юн Европа Концертларини кўргазманини көрсатишидан кўрган европаликлар «Фақат буюк халкнинг санъати шундай бўллиши мумкин!» деб баъзи ҳаёнига қарашни кўлониди.

— Эҳ, қанийди, шуларнинг ҳаммасини олис юртдаги ватандошлирларни ўз кўзлари билан кўришса, — деб завқи тўйлди меҳмон. — Ахир Ўзбекистоннинг шу қадар илгари кеттанилиги, Тошкентнинг бугунги кўркам жамоли уларни ҳам қувонтиради-да!

— Бунинг қийин жой йўл — деди меҳмон. — Вестминстер университетининг ўз кўзлари билан кўриштади. Исломотларнинг умидбахш манзара-меваларини фақат охизда ишлаб чордиган. Исломотларнинг ҳаммаси мавзусида виртуал кўргазма мультимедиа дастурини тайёрлашган. Уни сизга совфа қилишимиз, сиз уни ҳаммага кўрсатишинг мумкин, дея заррин нақшу нигорлар билан безатилган дискин тутқаздик. Мехмоннинг назидида, бу диск эмас, баҳоси йўқ ҳазина эди.

Юртимизда рўй бераётган ўзгаришларни чет эллардаги дўстларимиз ҳам сезиди туришибди. Исломотларнинг умидбахш манзара-меваларини фақат охизда ишлаб чордиган. Исломотларнинг раҳнамолиги алоҳида аҳамият касб этаётир. Юрт учун ёнган, юрт учун бош бўйиб фикрлаётган инсон ибрати ҳалқ куч-кудратининг эзгу амалларга йўналишига ишлаб чордиган.

— Энди мен тушундим, — деди ватандошимиз кўрганлари ҳақида хуласа килиб, — Ўзбекистон жуда қисқа тарихий муддатда жаҳон ҳамжамиятидан дадил ўрин олганига сабаб унинг бой би ўтмиши кувват бўлаётганида экан. Агар ана шу гурур бутун ҳалқ онгидан жой олса, ишонинг, сизларнинг парвозини ер юзида хеч қандай куч пасайтиrolмайди.

Ҳар бахорда Амир Темур таваллуди муносабати билан Тошкентнинг кўк марказидаги Соҳибқирон ҳайкаллари пойига гуллар кўйилади. Темурийлар тарихига оид бўйиб экспонатлар олиб келинди. Экспозициядан археология, этнография, нумизматика ёдгорликлари, кўллэзмалар, тасвирий санъат намуналари жой олган.

Миллатимиз фахру фурурига айланган ушбу бунёдкорлик иншоотларидан таралган ёфду ҳалқимиз дилини ёрттади.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ,**  
<b



Испоҳотлар оқимида

## ИСТЕММОЛЧИЛАР ТАЛАБИНИ ҚОНДИРИШГА ИНТИЛИБ

«Шоҳруҳ бизнес плюс» масъулияти чекланган жамиятин томонидан ишлаб чиқарилгаётган маҳсулотларга ортиқча мақтоворнинг ҳожати йўқ.

Дарвоке, уларга талаб қандай иккори бўйса, МЧК томонидан «Шоҳ» савдо белгиси остида кўрсатилгаётган хизматларнинг сифати ҳам шунчалик катадир.

— Ҳаммаси кичик бир дўкондан кундалик тушум атиги бир неча минг сўмлик товар айрбормашдан бошланганди. Аввалидан кўзланган мақсад сари интилиш оркаси эса, яни юкори сифатли хизмат кўрсатиш йўли билан тез орада ҳаридорлар ишончини оқлашга ва шу тариқа талаба яраша ўсиш суръатларини оширишга эришдик, — дейди жамиятин бош директори Кудрат Эрматов. — Жамиятимизда маркетинг хизмати жорий этилган. Ишлаб чиқарилгаётган маҳсулотларга билан шугуулануву тадбиркорларга мамлакатимида кўзда тутилган имтиёзли кредитлар кўлами, солик тўловларида эркинлик бизга ҳам имкониятларимизни кенгайтиришимизда асос бўйди.

Савдода талаб катта бўлган маҳсулотларни ўзи миздан ишлаб чиқарishни йўлга кўйишга эришдик, бу эса ўз-ўзидан харажатларни қискартиришга, маҳсулотлар таннахарини камайтиришга имкон яратди.

Дарҳақиқат, ўзбек ишлаб чиқарияти давомида «Шоҳруҳ бизнес плюс» кентармоқли компания мақомига сазовор бўлди. Бугунги кунда жамиятиннинг кўтчиликка яхши маълум «Шоҳ» савдо белгиси остида Чилонзор туманинда савдо кўнгилочар мажмуси, Юнусобод даҳасида эса бир қатор ишлаб чиқарилгаётган корхоналари фаолият юритмоқда. Яқинда «Шоҳ» ахоли учун янги хизмат турини жорий этишга муваффақ бўлди. Мустақилигимизнинг 18 йиллиги, Тошкент шахрининг 2200 йиллик юбилейи арафасида Юнусобод туманинда замонавий даволаш ва таҳсис кўйиш асбоб-у-куналарни билан жиҳозланган тибиёт маркази фойдаланишга топширилди. Марказга ташир буюрган ҳар бир белор юкори малякалар мутахассисларнинг маслаҳатидан баҳраманд булиш билан бирга шу ернинг ўзида шифо олиш имкониятига ҳам эга бўлади.



Кўпчиликка манзур бўлиб, Голибикни кўлга киритди.

— Яна бир лойиҳа устидаги иш олиб бормоддамиш, — сўзида давом этади Кудрат Эрматов. — Чорвачилликка ихтисослаштирилган ўзимизнинг фермер хўжалигимизни ташкил этишини режалаштирганимиз. — Максад сут ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариб, тўғридан-тўғри «Шоҳ» савдо марказларимиз оркали иштепчиларнинг етказишидир. «Нима унун «Шоҳ» деб сўрарсиз? Гап шундаки, маҳсулотларимиз юкори сифатли ва мижозларимизнинг эътирофидадир. Ҳар бир янги ишга кўл уришдан аввал биринчи навбатда сифат кўрсаткини устувор турди. Ҳар қандай катта дараҳаввав алнишни кечик новдадан ҳаёт топади. Новда бўй ҷизи, атрофа кенг ёйниши учун озука даркор. «Шоҳ»нинг озукаси — бу ахоли, меҳмонларимизнинг миннатдорчилар, ташаккури эвазига эришилаётган ютуқлардир.

Бундан биз куч-куват олиб, янги ғоя, янги режалар тузишга ошишмиз. Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА СУРАТЛАРДА: «Шоҳруҳ» бизнес плюс» МЖХнинг фаолият каморови шундай омилдир.

Бугунги кунда шаҳарча худудидаги мавжуд тўққиста маҳаллада 30 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қўлади, айни пайтда обондонаштириш, кўкаламзорашибтириш, курилиш ва таъмишларни шишли жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда.

Биргина «Чигатой-Оқтепа» маҳалласини олиб қарайдиган бўлсак, маҳалла гузари таъмиларни, ички худуди обондонаштирилди, Чигатой тепалиги эса кайта таъмиланиб, маҳалла истиқомат килюви отаҳонлар учун дам олиш масканига айлантирилди. Кунин кечак эса «Чигатой-Оқтепа» маҳалласида «Набиражонлар боғи» нинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

— Ёш авлоднинг соглом руҳда тарбияланишида барча имкониятларни яратиб бериши, уларнинг она Ватанга мухаббат ва садоқат руҳида камол топиши, қадрятларимизни қадрлаб, анъаналаримизга хурмат билан қараши йўлида «Ёшлик» талабаларни ишлаб амалга оширилмоқда. Биргина



## ҚАЙ ЮРТДА БОР БУНДАЙИН ПОЙТАХТ

ЎзМУсида таълим олдим, хикмат кўрдим, Талабалар шаҳрида нур, тальят кўрдим. Эзгуликнинг аркасида ҳайрат кўрдим, Тошкент менга им берди, устоз бўлиб, Мен ўзимни бир умрга карздор кўрдим. Коракамиши шакарқамиши бўлди менга, Чилонзори тилла, кумуш бўлди менга. Шайхонтоҳур, Яккасарой, Мирбод-бу, Ушлаганим баҳт — Хумо күш бўлди менга, Тошкент мени шоир килди, илҳом беруб, Мен ўзимни шеър экилган гулзор кўрдим. Олой бозор он тутидан тогтаним бор, Кўкчасининг қаймогига ботганим бор. Сергелида сайд қилиб қизлар билан, Анхорига оқ олмалар отганим бор. Тошкент ошик кўнгил берди, севги берди, Мен ўзимни Ширин, Лайлай наҳор кўрдим. Гулзор иша шеър ўқиди Зулфияхон, Мехмонлари: Кайсан Кули, Чингиз Айтмат. Faғur Fулом, Қаҳҳор домла пешвуз чиқар, Турналарга шеър айтиди Расул Ҳамзат. Кечагидек аниқ, тиник дийдор кўрдим, Кўзни юмсан тушларимда таракор кўрдим. Бу Тошкент, бу — Ҳазрат Имомлар шаҳри, Шахмат тоҳин кийган Рустамжонлар шаҳри. Исломга пойтагт бўлолган шонлар шаҳри. Палаги пок, тоза виждонлар шаҳри. Нои шаҳри — бу, нои увогин қўзга суртган, Ҳадра кўрдим, Ўрда кўрдим, Себзор кўрдим. Кундан кунга чирой очар Юнусобод, Учтепа-ю, Ҳамза мисли гулдан бунёд, Мирзо Улугбек туманин бориб кўрдим, Юлдузлари ерга тушди, салом керуб, Мен ўзимни осмонга даҳлор кўрдим. Ҳожа Аҳорон авлодлари, асллари, Қағфол Шоший давомчиси, насллари, Гулга кириб Қодирйнинг фасллари, Ер юзига ақл берди, фозил берди, Мен юркда кўкка етган чинор кўрдим. Шайхзода, Ойбек домла, Шуҳрат домла, Оқшом чоғи «Миллий боф»да учрашгандир. Миртимирнинг кўчасидан раҳон хиди, Туроб Тўла кўчасига туташгандир. Кўчалларки сочим билан супурайин, Мен ўзимни бир муносиб дастёр кўрдим. Бу гул шаҳар, биллур шаҳар, муборак аҳд, Кай юртда бор бундай пойтагт, бундайн тахт, Биз унингиз, у бизнингдир шу олий баҳт, Ватанимни то абад баҳтиёр кўрдим.

## ТОШКЕНТИНГ ҚУТЛУГ ТҮЙИГА

Тонгла оппоқ тилак билан учрашасан, Келсанг сирли эртак билан учрашасан, Юртим дёған юрак билан учрашасан, Тошкентимнинг кутлуг тўйига.

Тўёна-ю, тайёргарлик қилиб келди, Сирдарёнинг санамлари елиб келди, Сурхондарё барчинлари кулиб келди, Тошкентимнинг кутлуг тўйига.

Олис мозийлардан бўён: Чоғу гоҳ Шоҳимиз бўлган, Ризку рўзимиз манбаи, — Тўкин нон-ошимиз бўлган, Гоҳ ҳўрлик, гоҳ кувончларда Оққан кўз ёшимиз бўлган, Амир Темур бобомиздай Ҳалоскор бошимиш бўлган.

Бахту саодат пойтагт, Жондан азиз жигарбандим, Икки минг икки юз ёшинг Кутлуг бўлсинг, жон Тошкентим!

Олам ичра она-замин Билан тенгдош яралган. Толеингдан тош-бошингдан Не кунларни ўтказган, Сўнг жаҳонда ўрнин топиб, Зўр давлатга айланган, Ўзбекистоннинг пойтагт Бўлиб ҳурмат қозонган.

Бахту саодат пойтагт, Жондан азиз жигарбандим, Икки минг икки юз ёшинг Кутлуг бўлсинг, жон Тошкентим!

Нафакат «Нон шаҳри» дирсан, Сен аввало, дўстлик шаҳри!

## НАЗМ БЎСТОНИДА

Самарқанднинг сараланган гул юзлари, Бухоронинг барнолари ой юзлари, Кириб келди Навоийнинг юлдузлари, Тошкентимнинг кутлуг тўйига.

Узун бўйли Қорақалпок дилбарлари, Андижону, Жиззахимнинг жавҳарлари, Ҳовса, галди Ҳоразмнинг сарварлари, Тошкентимнинг кутлуг тўйига.

Меҳридарё — Қашқадарё гўзаллари, Фарғонанинг париллардан афзаллари, Келутдила Наманганднинг асаллари, Тошкентимнинг кутлуг тўйига.

Бунда ақл-акл билан бирлашадир, Сув париллар сув остида сирлашадир. Кириб келсанг юракларнинг нурлашадир, Тошкентимнинг кутлуг тўйига.

Шодиёналар истиклоннинг тимсолидир, Баҳтили элнинг жамолидир, камолидир, Иймонли корт ҳәлидир, иబолидир, Тошкентимнинг кутлуг тўйига.

Ду қилган момолари юзин кўрган, Боболарим тўйдан чиқиб тўйга кирган, Кўз тегмасин карнай-сурнай янграб турган, Тошкентимнинг кутлуг тўйига.

## МУҲАББАТИМ ВАТАНГАДИР

Ишим эмас вафо тилаш, давосиздан даво тилаш, Кўксим узра ёмғир ёғди, ёш араплаш, тош араплаш.

Ул ёшларни сидирмасман, кўнгил хатимин бермасман, Ватандан бошқасига мен муҳаббатини бермасман.

Кумри сирли овоздадир, оғочлари пардоздадир, Бундан баҳор мангу кетмас, майсалари намоздадир, Тинчлигимни бермасман, хидоятимни бермасман, Ватандан бошқасига мен муҳаббатини бермасман.

Чап кўксимда сайроки күш учшишлари сафолидир, Сайрашлари маънолидир, кўз ёшлари даволидир. Унингла ишқ ҳакидаги дил сухбатини бермасман, Ватандан бошқасига мен муҳаббатини бермасман.

Унингиз тўкилган сутман, унингиз эзилган тутман, Унингиз буғдои пишиб унтилган худудман, Муҳаббатизлар чанг солса малоҳатини бермасман, Ватандан бошқасига мен муҳаббатини бермасман.

Факат у деб жондан кечсан, оҳ демасман, Факат у деб аршдан тушсан оҳ демасман, Аллохнинг ёдилга кечган хуш лаззатини бермасман, Ватандан бошқасига мен муҳаббатини бермасман.

Чап кўксимда сайдоқи күш учшишлари сафолидир, Сайрашлари маънолидир, кўз ёшлари даволидир. Унингла ишқ ҳакидаги дил сухбатини бермасман, Ватандан бошқасига мен муҳаббатини бермасман.

Бахту саодат пойтагт, Жондан азиз жигарбандим, Икки минг икки юз ёшинг Кутлуг бўлсинг, жон Тошкентим!

Нафакат «Нон шаҳри» дирсан, Сен аввало, дўстлик шаҳри!

Хар бир миллат киммат-қадри Кутлуг бўлсинг, жон Тошкентим!

Бахту саодат пойтагт, Жондан азиз жигарбандим, Икки минг икки юз ёшинг Кутлуг бўлсинг, жон Тошкентим!

Нафакат «Нон шаҳри» дирсан, Сен аввало, дўстлик шаҳри!

Холикназар ҳам даврада Мамнун бўлиб шурк айлар!

Бахту саодат пойтагт, Жондан азиз жигарбандим, Икки минг икки юз ёшинг Кутлуг бўлсинг, жон Тошкентим!

Нафакат «Нон шаҳри» дирсан, Сен аввало, дўстлик шаҳри!

Холикназар ҳам даврада Мамнун бўлиб шурк айлар!

## Фан

### ЯНГИ МАҚОМ ДОИРАСИДА

«Ботаника» илмий ишлаб чиқариш маркази таркибида қатор тадқиқот ўчқолари фаолият кўрсатмоқда.

Тошкент Ботаника боти фаолияти ҳам йил сайин кенгайиб бормоқда. Бу яшил зонага илмий-тадқиқотида ташкилоти мақоми берилиши билан унинг халқаро алоқалари янада кучайди. Бугунги кунда ботаника бошмасида 230 та ботаника болалари билан ёнлиги дунёдаги 2200 та ботаника болалари билан юзага келди.

### ОММАЛАШГАН ПРЕПАРАТЛАР

Ўзбекистон Миллий университетининг табиий бирикмалар кимёси кафедраси ийрик тадқиқот ўчигига айланган.

Бу ерда яратилгаётган дори-дармонлардан тиббиятда кенг фойдаланилмоқда. Шу ўринда «Ана-базин», «Лагоден», «Эдил», «Мегосин» каби препаратларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Кишлоқ хўжалиги учун яратилган гербицидлар ҳам оммалашди.

## Транспорт

### САЁХАТ ПОЕЗДИ

Тошкент Марказий темирйўл вокзалидан ўйлуга чиқсан поезд Иссиккўл вилоятига бориб қайтиб келди.

## Ёшлар — келажагимиз



## «НИХОЛ» МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Президенттимиз томонидан «Нихол» мукофотининг таъсис этилиши, ҳар йили Мустакиллик байрами арафасида санъат соҳасида изланадиган истевод соҳифалига ушбу нуфузли мукофотининг тантанали топшириши бунинг амалдаги ёркин ифодасидир.

Куни кечак шархимиздаги «Истиклол» санъат саройида ушбу мукофотининг янги совриндорларга тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Айтиш керакки, «Нихол» мукофоти учун танлов эстрада санъати, мусиқа икрохилиги, мумтоз қўшик, опера икрохилиги ва ракс санъати йўналишида уч босқичда ўтказилди. Ёш истеводлар учун «Нихол» мукофоти бундан 10 йил мукаддам таъсис этилган эди. Ушбу нуфузли мукофот ийдан ийла тақомиллашиб бормоқда. Бу мукофот ёш истеводдеги эзларининг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтишдаги мумхим ўрнини инобатта олиб, ўзининг мусиқа, матн ва ижро маҳорати билан кишиларнинг юрагига етиб бо-

**Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг истеъоддини ҳар томонлама камол топтириш ва маданий савиёсини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг юксак намуналаридан баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, истеъод эгаларини кўллаб-кувватлаш, уларга меҳр ва эътибор кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг мухим йўналишига айланган.**

радиган, эзгуликка чорлайдиган иродада у имон-эътиодидини мустаҳкамлашга хизмат қиласидиган асарлар яратишда фоаллик кўрсатадиган иктидори ёшларни мунтазам рагбатлантириб бориш мақсадида таъсис этилган. Бундан мақсад, ҳалқимиз орасидан этишиб чиқаётган ёш иктидор эзларини кўллаб-кувватлаш, уларнинг имкониятларини тўла рўёба чиқаришга кўмаклашишди.

Кувонарлиси, «Нихол» мукофотига сазовор бўлган ёшлар сони шу кунгача 100 нафарга етди. Улардан 11 нафари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 2 нафари Коракаллогоғистонда хизмат кўрсатган артист увоннаприга ва яна бир қанчани давлатимизнинг турли му-

кофотларига эга бўлди. Танловнинг жорий йилдаги сараш босқичларида 8 мингдан зиёд ёш ижроши иштирок этди.

Ушбу мукофот учун ўтказилган танловда иштирок этеётган ёш истеводлар сафининг йилдан-йилга ортиб, кенгайиб бораётгани «Нихол»нинг нуфузи ортиб бораётганидан далолатdir.

2009 йилда «Нихол» мукофотига эстрада йўналиши бўйича — Шуҳрат Мавлонов (Бухоро вилояти), Суҳроб Кенжавеев (Навоий вилояти), Дилдора Курбонова (Самарқанд вилояти), Нигина Набиева, Ҳожимурод Бекжонов (Тошкент шаҳри), Мирижод Миркомилов (Тошкент вилояти), Шахризода Аҳмедова (Фарғона вилояти), Хуршида

Жўраева (Кашқадарё вилояти), Файрат Бекчанов (Корақалпогистон Республикаси), опера йўналиши бўйича — Умид Исрорилов (Фарғона вилояти), мусиқа ижрошилиги бўйича — Фазлидин Шафоатов (Сурхондарё вилояти), мумтоз қўшиқчилик йўналиши бўйича — Адолат Кўлдошева (Андижон вилояти), Райхона Жуманиёзова (Хоразм вилояти), ракс йўналиши бўйича Гулбар Абипова (Корақалпогистон Республикаси) сазовор бўлдилар. Совриндорларга мукофотлар тантанали равишда топширилди.

— Шундай нуфузли мукофот бу йил менга ҳам наисбет этишини кутмагандарим. Ҳозир кувонганимдан жуда ҳам ҳаяжондаман, хурсандлигим-

нинг чеки йўк. Аввало, санъат майдонига қадам кўяётган биз ёшларга рахманолик кўяётган, кўллаб-кувватлаётган, истеъоддимизни юзага чиқаришда кўмак берадиган хукуматимизга, Юрбошимизга чексиз миннатдорличили билдираман,— дейди «Нихол» мукофоти совриндори Нигина Набиева.— Келгусида юксак ишончи оқлаш учун ўз билим ва иктидоримни яна ҳам ошириша, янги-янги мазмунли, юкори савидаги кўшиқларни ижро этиб, миллий эстрада санъатимизни жаҳонга кенг ёйишга ҳаракат қиласади.

Маросимада «Нихол» мукофоти соҳиблари, санъат усталари ва ижроши ёшлар иштирокида концерт намоёйш этилди.

Тадибида Ўзбекистон Республикаси Бон вазирининг ўринбосари Р.Қосимов сўзга чиқди.

**Дилором ИКРОМОВА**  
**СУРАТЛАРДА:** «Нихол» мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросимидан лавҳалар.

(Ўз А олган суратлар



## 03-03 ЎҶГАНИД ДОНО БЎЛГИ

### МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

#### ҲИҚМАТЛАР

• Илм — юксак төғ, унга чиқиш қийин, нодонлик — чукур чоҳ, тушиб осон, чиқиш қийин.

#### Ҳиқмат:

Ҳар кимнинг зари бўлмаса-да, аммо хунари бўлса, дунёда ҳеч бир хавфатари бўлмайди.

Шунинг учун киши хунар зийнати билан безаномги керак. Хунарсиз киши куруқ савлатдир. Куруқ савлат қотиб қолган сувратга ўхшайди. Сен сувратга бок, у одамга ўхшаса-да, жони бўлмайди. Дараҳт шохи мевасиз бўлса, кийикнинг шохларидан нима фарқи бор?! Қалам гарчи чўп бўлсада, илму хунарни ошкор қилгани учун азиздир. Ойна эса гўзлалар юзи туфайли кўлда юради. Сен Абу Жаҳл тарвузини кўр, ширин тарвузлар каби чирайлидир. Аммо аччиқ бўлгани учун киймати йўк.

#### Байт:

Бехунар одам эмас,  
молу зори бўлганида ҳам,  
Бўлмагай эшак одам,  
анга либос ёпганда ҳам.

• Хунарманд киши ҳеч қаҷон хор бўлмайди, оғир кунларда хунар туфайли ўз ризқ-рўзини топиб ўйди.

• Арасту шундай ёзади: «Иzzat тиласанг ифратли бўл, улуғлик тиласанг мулоим бўл, зафар тиласанг адолат йўлини тут, қадр тиласанг ростгўй бўл, најкот тиласанг сабр қил, илм ва хунар ўрганмоқчи бўлсанг жидду жаҳд кил!»

• Афлотун ўз шогирди Арастуга:  
— Эй шогирд, доимо илм талабида бўл, бир кунга етадиган овқатинг бўлса, шунга каноат кил, икки кунлик жамғаришнинг пайдида бўлма, бирорнинг имли озми-кўпми деб, қасддан синашга ҳаракат қиласади. Ҳар куни ўзингдан «Тўғри иш қилдимми ёки хато қилдимми?» — деб сўра. Ҳеч кимга озор берма, чунки кимсага берилган озор албатта эга-сига қайтувчиидир.

• Фарзандлар! Сизга насиҳат килганилар дўстларингиздир, аксинча ёмон ишларни ўргатадиганлар душманларингиздир.

• Кимки яхшилик йўлида уринса-ю бирок биронта ёдгорлик қолдирмаса, у яхши деган ном ололмайди.

• Яхши деган ном буюк иморатлардан ҳам баландроқдир.

• Қанча-қанча одамлар дунёда йўқлик сари кетиши, катта-катта бинолар куриб, айвонига номларини битиб қўйиши, уларнинг тани тупроқка айланди, аммо яхши деган номи ҳамон ўлмай яшамоқда.

• Яхшилик иморати нуқсонлардан холи бўлиб, тирикликтин офтоби уларни доимо ҳимоя килиб туради.

• Сен «Яхши» деган номдан иморат тикишларга урин, тор одамлар бу иморат деворига уринади. Покидил шундай кишиши, у ўзини доимо ҳасад ва риёдан покиза тутади. Ҳушхулк шундай кишиши, у ўмон ишларни ҳам яхшилик билан ёдга олади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Раҳмонбек Жаҳонгирович Усмоновга ўғли  
**НОДИРБЕК**нинг бевакт вафот этганини муносабати билан чукур таъзия изхор этиди.

### Спорт янгиликлари

#### ИККИНЧИ ДАВРА БОШЛАНДИ

«Пахтакор» — «Шўртан» ҳамда «Сўғдиёна» — «Бунёдкор» жамоалари ўтасида уюштирилган баҳслар билан футбол бўйича мамлакат XVIII миллий чемпионати иккинчи давра беллашувлари бошланди.

Ўз майдонида «Шўртан» билан куч синашган пахтакорчилар учрашув мобайнида яққол устунлик қилишида ва меҳмонларни 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратиши. Дарвозаларга тўпларни «Пахтакор»дан Акмал Холматов (2 та), Александр Гейнрих, Одил Ахмедов, «Шўртан»дан Мегрелдзе киритиши.

Жиззахда «Сўғдиёна» меҳмони «Бунёдкор»га ҳам яна омад кулиб бўкси. 90 дақиқа тошкентликларнинг устунлиги остида кечган баҳс 3:0 ҳисобида амалдаги чемпион жамоанинг ғалабаси билан якунлана.

Шу кунгача 51 очко жамғарган «Бунёдкор» чемпионатда якка пешкадамлик қилаётган бўлса, 39 очко билан «Пахтакор» иккинчи ўринда, 27 очко билан «Насаф» учини ўринда бормоқда.

Анди Александр финал йўлланимаси учун хинди-стонлик Санва Бкамри билан кураш олиб боради.

Жуфтлик баҳсларида Буюк Британия вакиласи Амили Вебли — Смит билан бирга ҳаракатланадиган Александр финалда хинди-стонлик Иша Лакхани ва япониялик Анастасия Малхотра жуфтлигини уч седда мағлуб этиб финалда иштирок этадиган бўлди.

(Ўз мухбиримиз)

### АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА — МУҲИМ ЭЪТИБОР

Бугунги кунда аҳоли ўтасида турли хил эҳтимолли юқумли хасталикларнинг олдини олиш, уларнинг келиб чиқиши омилларини бартараф этиш, аҳоли турар жойларида эпидемиологик, санитар-гигиеник тадбирларни ўз вақтида ўтказиши асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

1997 йил 30 апрелдаги «Республика» дезинфекциялаш ишларини янада мустаҳкамлаш ва ривохлантириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 198-сони бўйрганинг ижросини таъминлаш мақсадида умумий майдони 152450 м<sup>2</sup> бўлган мусассаса ва ташкилотларда пашша, чивин ва кемирчиларга қарши мунтазам равишда профилактика тадбирлари ўтказилди.

Шулардан келиб чиқиб, ўтган ярим йиллик давомида 2012 та корхона ва ташкилотлар билан шартнома тузишига эришидик, — дейди биз билан субҳатда Бектемир туман дезинфекция станцияси бош врачи Шерали Каликулов. — Со-ликини сақлаш вазирлигининг

Ушбу тадбирлар давомида эҳтимолли юқумли касалликларни тарқатиши мумкин бўлган кемирчиларни тарқатишига махсус эпидемиологик лаборатория таҳлилидан ўтказилмоқда. Бундан асосий мақсад ҳалқимиз саломатлигини янада яхшилаш, турли хил юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишдан иборатdir.

(Ўз мухбиримиз)

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва аҳбор бўшқармасида 02-1-ракам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоб, оғсет усулида босилади. 2862 нусхада босилди. Қозоғ бігчими А-2

Нашири етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқномин»нинг компаниятерида терлиди ва саҳифаланди.

«Шарқ» наширнёт-матбаса акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-йч.

Топширилган вақти: 14.08.09

### Бунёдкор — 2009

#### ЯНГИ ЎҶУВ ЙИЛИГА ҲОЗИРЛИК

Айни кунларда эса пойтахтимиз марказида яна бир таълим маскани — Тошкент Молия институти буюртмаси асосида мазкур олий ўқув юртиминг янги биноси фойдаланишга топшириши арафасида.

Энг аҳамиятлиси шундаки, бу ерда пудратчи ташкилотларга камарбаста бўлиб бевосита шу даргоҳнинг кўплас талаба ўшбу «Бунёдкор» харакатига биралиши мумкин.

— Ихтиёрий равишда бу ҳаракатга институттинг 640 нафар талаба ва 150 нафар магистранти қўшилиб, айнан бунёдкорлик бобида ўз имкониятларини намоёйш этишишда, — дейди биз билан субҳатда институт «Камолот» ЙИХ башланғич ташкилоти раиси Камол Махмудов. — Албатта, талабалар курувчилик касбининг сир-асорларидан йирок бўлганла-ри босис асбондан обдонлаштириши ишларида кўмаклашмоқдалар. Мехнатларни ҳам муносиб рагбатлантирилмоқда. Уларга бў